



2018 yil «16» феврал

№89-К

Toyoq sh. – г. Тойляк

**Туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт
воситалари ва уларнинг тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан
ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисида”ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ туманда йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ички ишлар бўлими (М.Шермухамедов) белгиланган тартибда ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштиурсин.

2. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилисин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган сенгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари) одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозлаиган юқ автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазни ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлагага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вакти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда такдим этилади;

ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишининг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди, мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 март 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин;

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 марта 30 июнгача ўтказилсин.

4. Транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида йигим ундирилади.

Мазкур карорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йигим ундирилмайди.

Мототранспорт, тиркамалар, ярим тиркамалар техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирмадан бири миқдорида йигим ундирилади.

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситаларидан такрорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йигим ундирилади.

Техник кўриқ ўтказилганлиги учун йигим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

5. Техник кўрикни ўтказиш жадвали 1-иловага, техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофик тасдиклансин.

6. Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия раиси (Ш.Холиков)га:

юридик шахсга техник кўриқ ўтказиладиган муддатлар тўгрисидаги билдиришинома юбориши;

техник кўрикни ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вактида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вактларида ёки хафтанинг дам олиш кунларидан бирида ўтказиш;

техник кўриқдан ўтказишида техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз кайта жихозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликларни бартараф этиши бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилисин.

7. Ушбу қарор кабул қилиниши билан туман ҳокимининг 2017 йил 16 февралдаги 116-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

8. Мазкур қарор “Кушчинор” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарор ижросини  назорат қилиш туман ҳокимининг ўринbosari A. Каримов зиммасига юклатилисин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев